БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЎҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Кимсанбоева Мафтуна Баходировна
maftunabahodirovna2525@gmail.com

Аннотация: *Ушбу мақолада бюджет тизими бўғинлари ўртасида бюджетлараро муносабатларнинг зарурлиги, функционал вазифалари, иқтисодий оқибатлари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *бюджетлараро трансферт, дотация, субвенция, бюджет ссудаси, кучли донор ҳудудлар, кучсиз донор ҳудудлар, маҳаллий бюджет даромадлари.*

Аннотация: *В статье рассматриваются необходимость, функциональные задачи и экономические последствия межбюджетных отношений между звеньями бюджетной системы.*

Ключевые слова: *межбюджетный трансферт, грант, субсидия, бюджетный кредит, сильные регионы-доноры, слабые регионы-доноры, доходы местных бюджетов.*

Abstract: *This article highlights the necessity, functional tasks, and economic consequences of inter-budgetary relations between the links of the budget system.*

Key words: *inter-budget transfer, grant, subsidy, budget loan, strong donor regions, weak donor regions, local budget revenues.*

Кириш

Молия-бюджет ислоҳотларини ўтказиш жараёни, аввало, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик беришни, ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал этишда улар ролини ошириш ва шу билан бир вақтда улар молиявий базаларини мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва давлат бюджети ижросини таъминлашнинг услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади. Бу жараёнда бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, «Бюджет кодекси»да “бюджетлараро муносабатлар” тушунчаси «давлат ҳокимият органлари ўртасидаги «муносабат» сифатида талқин этилган. Ушбу муносабатлар аслида «бюджет жараёнида, бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёнида турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги бюджет маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар мажмуйидир. Қонундаги бундай талқин давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги

барча соҳалардаги ва ҳар кандай муносабатни “бюджетлараро муносабатлар” деб ҳисоблаш мумкин, деган нотўғри хулоса чиқаришга асос бўлиб қолади. Фикримизча, бюджетлараро муносабатларнинг конунда белгиланган таърифини янада аниқлаштириш, унинг илмий асосланганлигини ошириш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Бюджетлараро муносабатларнинг бирмунча тўлароқ таърифи рус иқтисодчи олимлари А.М.Бабич ва Л.Н.Павлова томонидан тайёрланган “Финансы” номли дарслигида берилган: «Бюджетлараро муносабатлар давлат ҳокимият органлари, марказий ҳокимият ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида бюджетларни тузиш ва ижро этиш ҳамда бюджет жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатларнинг бириктирилиши ва чегараланишига оид муносабатлар мажмуидир».

Ушбу таърифни ҳам етарлича аниқ берилган деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у мазкур муаммони ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш ва тайёрлаш жараёнидаги муносабатларнигина акс эттиради. Бюджетнинг ижро этилиши давомида маблағларнинг бир бюджет бўғинидан бошқасига ёки бир даражадаги бюджетлар ўртасидаги ҳақиқатдаги ҳаракати ҳақида ушбу таърифда умуман фикр билдирилмаган.

Бюджетлараро муносабатлар мазмуни ва турли адабиётларда талқин этилиш даражасини таҳлил этиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкин: бюджетлараро муносабатлар содир бўлаётган бюджет тизими даражаларига кўра уларни бюджет тизими поғоналари ўртасидаги ва бир даражадаги бюджет бўғинлари ўртасидаги муносабатларга бўлиш мумкин. Демак, “бюджетлараро муносабатлар” тушунчаси, қуйидагиларни ўз ичига олмоғи лозим: бизнинг фикримизча,

• бюджет жараёнида юзага келувчи муносабатларнинг бирмунча тўлиқроқ таркибини;

• давлат ҳокимияти бошқарув органларининг ўзаро (бир даражадаги) муносабатларини;

• қуйи бюджет бўғинларининг республика бюджети билан ўзаро муносабатларини;

• молиявий ёрдамнинг нафақат юқоридан қуйига, балки қуйи бюджетлардан юқори бюджетларга ҳам берилиш ҳолатларини ва ҳоказо.

Булардан келиб чиқиб, бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий воқелик сифатидаги табиатини таҳлил қилиш асосида қуйидагиларни таъкидлаш зарур:

• биринчидан, бюджетлараро муносабатлар - кенг қамровли бюджет сиёсатини марказий ва ҳудудий даражада амалга ошириш жараёнининг ажралмас қисмидир;

• иккинчидан, бюджетлараро муносабатлар бюджет сиёсатининг бошқа йўналишларига нисбатан бирламчи аҳамият касб этади;

• учинчидан, бюджетлараро муносабатлар — нафақат бошқарувнинг турли даражаларидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат, балки энг аввало, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказ орқали шаклланган ва давлат ҳокимиятига унинг аниқ функцияларини ҳудудий даражада бажариш, жамият тараққиёти учун нормал шароитларни яратиш мақсадида берилган барча пул маблағларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнидаги муносабатлардир;

• тўртинчидан, ҳудудлардан, жойлардан марказий ҳокимият (республика даражаси)га маблағлар тушиб туришининг таъминланиши ўз навбатида уларга давлат бошқаруви бўйича аниқ вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиб олиш ҳуқуқини ҳам беради, 3 бу ҳолат республика давлат ҳокимиятининг ўз ҳудудлари манфаатида ягона ва самарали бошқарувни таъминлайди. Шу билан бирга, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга маблағларни ажратилиши мамлакатни марказдан бошқаришда маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун дастак яратади ҳамда ҳудудларда маълум маҳаллийчилик кайфиятлари юзага келишининг объектив асосларини бартараф этади;

• бешинчидан, бюджетлараро муносабатлар - бу мутлақо тенг аҳамиятли тарзда қуйидан юқорига ва юқоридан қуйига ҳаракатланувчи молиявий оқимлардир. Ушбу муносабатларсиз турли даражадаги бюджетларни муваффақиятли шакллантириб бўлмас эди. Шу сабабли ушбу молиявий оқимлар маҳаллий бюджетларни шакллантирувчи таъсирчан омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, бюджетлараро муносабатларга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: «Бюджетлараро муносабатлар - давлат бюджет механизмининг муҳим ажралмас элементи бўлиб, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказий бошқарувнинг марказдан туриб барча молиявий оқимларни тақсимлаш жараёнини оқилона тартибга солишни таъминлайди ва бундан ташқари, марказий ҳукуматнинг аниқ функцияларини давлат бошқарувининг турли даражаларида ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро тақсимлаб олиш орқали бажариш учун давлат бюджетида жамланган пул маблағларининг ушбу субъектлар ўртасида қайта тақсимланишини ўз ичига олувчи муносабатлар йиғиндисидир».

Давлат бюджетининг маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги тарзда қайта тақсимланади:

• умумдавлат солиқлари ва бошқа умумдавлат даромадлари бир қисмининг белгиланган тартибда ўрнатилган меъёрлар асосида турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши асосида;

• юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотацияларини ажратилиши асосида;

• юқори бюджет бўғинидан қуйи бюджет бўғинларига, шунингдек, қуйи бюджет бўғинларидан юқори бюджет бўғинларига бюджет ижроси жараёнида юзага келувчи ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларнинг йўналтирилиши асосида;

• бюджет ссудаларининг ажратилиши асосида.

Маълумки, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет субвенциялари ва дотациялари “Бюджет кодекси”да Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай ажратмаларнинг микдори қуйидагиларга боғлиқ:

• ҳудудларнинг молиявий ҳолатига, жумладан, уларнинг ўз даромад базаларининг мустаҳкамлигига;

• ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа умумдавлат вазифалари ва дастурлари кўламига;

• ҳудудлар бўйича товар (иш, хизмат)лар қийматидаги фарқларга;

• ҳудудлар аҳолисининг сонига;

• ушбу ҳудудда жойлашган ва тегишли бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг бюджет ажратмаларига бўлган эҳтиёжига;

• ҳудудлар ўртасидаги молиявий номутаносибликни бартараф этиш учун ҳисобга олинадиган бошқа омилларга.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларидаги касса тафовути кассадаги нақд пул айланмасига, юқори бюджетлар ссудалари ҳисобига, олдинги даврлардаги фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар риоя қилиши лозим бўлган чекланишлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, маҳаллий бюджетлар бюджет қонунчилигига кўра, баланслашган даромадлар ва ҳаражатлар тизимига эга бўлишлари зарур.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳақиқатдаги тақчиллигига йўл қўйилмаслиги лозим.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий бюджетлар учун қуйидагилар таъқиқланади:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган манбалар ҳисобига ўз бюджетларини тўлдириш ёки мақсадли фондлар ташкил этиш;

2. Бюджет ссудаларидан ташқари бошқа ҳар қандай қарз олишларни амалга ошириш;

3. Бюджет қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, ўз бюджет харажатларини тасдиқланган ажратмалардан ортиб кетишига йўл қўйиш;

4. Бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва васийлик хатлари бериш;

5. Юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш.

Мамлакат бюджет амалиёти тажрибаларини умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар тизимида бюджетлараро трансфертлар тизими самарадорлигини ошириш ва маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятларини ёритиш мумкин.

Хулоса

Бюджетлараро муносабатларда, нафақат республика бюджетининг маҳаллий бюджетлар билан муносабатлари, балки ҳудудий бюджетларнинг ҳам маҳаллий бюджетлар билан муносабатлари ўртасида юзага чиқадиган муаммолар етарлича ўрганилмаганлиги нимоён бўлади. Бизнинг фикримизча, асосий эътиборни бюджетлараро муносабатларнинг истиқболдаги асосий анъаналарига қаратиш керак. Бозор ислоҳотлари умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун республика миқёсидаги барча даромадларни бирлаштириш ва марказлаштириш, шунингдек уларга мос келувчи солиқ тизимини ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.-32 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони.
3.Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.
4. Давлат бюджети тўғрисида хисобот 2021 йил якуни ижроси
5. Давлат бюджети тўғрисида хисобот 2022 йил якуни ижроси
6. Давлат бюджети тўғрисида хисобот 2023 йил якуни ижроси
7. Давлат бюджети тўғрисида хисобот 2024 йил 1-ярим йиллик ижроси
8.М.Кимсанбоева “Махаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишида бюджетлараро трансфертларнинг ахамияти” Актуал молия ва бухгалтерия ҳисоби илмий журнали 2025 261-267.
9.Соатова, Н. (2022). Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини такомиллаштириш Economics and education, 23(5), 192-200.
10.Qian Wang The impact of intergovernmental transfers on state and local governments’ tax progressivity and redistributive expenditure policy. http://www.jstor.org.
11. http://www.mf.uz –ЎзР Молия вазирлиги сайти.